

«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»

499- СОН

2016 ЙИЛ «26» август-

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИНинг «ИЧКИ
НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМИ**

**«Тасдиқланган»
Банк акциядорлари
Умумий йиғилишининг
2016 йил « 25 » июндаги
АС- 1 -сонли қарорига асосан**

**Банк акциядорларининг хисобот
умумий йиғилиши Раиси**

Олимонов О.Олимжонов

Тошкент – 2016 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. "Туронбанк" акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда – Банк) ички назорат түғрисидаги ушбу Низоми (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, банк Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси ийғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган "Корпоратив бошқаруви кодекси" талабларига ва амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом ички назорат тизимининг мақсадлари ва вазифалари, унинг амал қилиш тамойиллари ҳамда ички назорат учун масъул бўлган банк бўлинмалари ваколатларини белгилайди.

2-боб. Ички назорат тизими таърифи ва унинг мақсадлари

3. Ички назорат – бу банк фаолиятининг доимий жараёни бўлиб, банк мақсадларига эришиш йўлидаги таваккалчиликлар бошқаруви, назорат ва корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга йўналтирилган барча мувофиқлаштирилган услугуб ва чоралардан иборат.

4. Ички назорат тизими – бу банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, банк тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, банк Кенгashi, банк Бошқаруви ва барча поғоналардаги бошқа ходимлар (бундан кейинги ўринларда – ички назорат субъектлари) томонидан ташкиллаштириладиган ва амалга ошириладиган ички назорат чора-тадбирлари ҳамда усулларини назорат қилувчи ташкилий тузилмалар мажмуидан иборат.

5. Ички назорат тартиб - тамойиллари – Банкнинг тафтиш комиссияси, аудиторлик қўмитаси, банк Кенгashi, банк Бошқаруви ҳамда банкнинг ички назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган бўлинмалари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, улар молиявий-хўжалик фаолиятини бажариш давомида қонунчилик ва банкнинг ички

хужжатларининг бузилишлари ҳолатларини аниқлаш, банк томонидан қўйилган мақсадларга эришиш самарадорлигини баҳолаш ҳамда ички назорат субъектларини ички назорат тартиб-тамойилларини бажариш жараёнидаги ўзаро алоқасини баҳолашга қаратилган.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади барча акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

7. Ички назорат тизими қўйидагиларни таъминлашга қаратилган:

банк активларининг бутлигини таъминлаш, банк ресурсларидан тежамкор ва самарали равишда фойдаланиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари ва банкнинг ички меърий ҳужжатлари талабларига амал қилиш;

банкнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ривожланиши стратегиясини, бизнес-режаларини бажариш;

банк бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлари ва бошқарувига оид маълумотларнинг тўлалиги ва ишончлилиги таъминлаш;

банк фаолиятида таваккалчиликлар юзага келиши биланоқ уларни аниқлаш, идентификация қилиш ва таҳлил қилиш;

банк фаолиятидаги таваккалчиликларни режалаштириш ва бошқариш, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш бўйича тезкор ва етарли (адекват) чораларни кўриш:

тадбиркорлар ва мижозларнинг обрўсини қозониш ва нуфузини сақлаш;

банк Бошқаруви, банк Кенгashi ва тафтиш комиссияси аъзоларига меҳнат ҳақи ва компенсация тўловларини тўлашда, шу жумладан уларнинг миқдори борасидаги етарлилик, шаффоффлик ва холислик (объективлик)ни таъминлаш.

3-боб.Ички назорат тизими фаолиятининг тамойиллари

8. Банк ички назорати тизими қўйидаги тамойилларга таянади:

иш фаолиятининг узлуксизлиги – ички назорат тизимининг доимий ва тегишли равишда ишлаб туриши, ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларини ўз

вақтида аниқлаш ва уларнинг келгусида қайтарилишининг олдини олиш имконини беради;

ички назорат тизими барча аъзоларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиши сифати ички назорат бўлинмаси раҳбари томонидан назорат қилинади;

мажбуриятлар тақсимоти – банк назорат функцияларининг тақрорланишига йўл қўймасликка интилади ва бу функциялар ходимлар ўртасида шундай тақсимланиши зарурки, бунда муайян активлар билан боғлиқ амалиётларни тасдиқлаш, активларни рўйхатдан ўтказиш, активларнинг бутлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар бир ходимга бириктирилиши мумкин эмас;

амалиётларнинг тегишли тартибда маъқулланиши ва тасдиқланиши – ваколатланган шахслар томонидан уларга тааллуқли бўлган ваколатлар доирасида барча молиявий-хўжалик амалиётларини тасдиқлаш тартибини ўрнатишга интилади;

банкнинг кундалик ички назоратни бажарувчи бўлинмасининг ташкилий жиҳатдан алоҳидалигини ва унинг ҳисобдорлигини таъминлаш;

банқдаги барча ички назорат субъектлари томонидан назорат функцияларининг тўғри бажарилиши бўйича масъулияти;

ички назоратни банкнинг барча бўлинмалари орасидаги аниқ ўзаро алоқага асосланиб амалга ошириш;

доимий равишда ривожлантириш ва тақомиллаштириш – банк янги вазифаларни бажариш, ички назорат тизимини кенгайтириш ва тақомиллаштириш заруратларини ҳисобга олган ҳолда тизимни эгилувчанликка мослаштириш учун шароит яратишга интилади;

қонунчиликдан четлаш ҳолатларига оид маълумотларни ўз вақтида етказиш - банқда қонунчиликдан четлаш бўйича маълумотларни бартараф этиш ваколатлари берилган шахсларга етказиш борасидаги қисқа муддатларни белгилаш;

банкнинг ички назорати йўлга қўйиладиган соҳалари фаолиятининг устуворлигини белгилаш – ички назорат тизими қамраб оладиган стратегик

йўналишлар, ҳатто уларнинг амалга оширилиши самарадорлигини ўлчаш қийин бўлган ҳолларда ҳам ажратиб кўрсатилади.

4-боб. Ички назорат тизими таркиби

9. Ички назорат тизими қуидаги ўзаро боғлиқ бўлган таркибий қисмларни ўз ичига олади:

Назорат муҳити. У аҳлоқий қадриятлар ва банк ходимларининг касбий маҳорати, раҳбарият сиёсати, раҳбарият томонидан ваколатлар ва масъулиятларни тақсимлаш услуби, ташкилот тузилмаси ва ходимлар малакасини ошириш ҳамда банк Кенгаши томонидан раҳбарлик қилиш ва бошқаришни ўз ичига олади;

таваккалчиликларни баҳолаш – муайян вазифаларга эришишда турли поғоналарда ўзаро боғлиқ бўлган ва ички изчилликда бўлган тегишли таваккалчиларни аниқлаб-топиш (идентификациялаш) ва таҳлил қилиш;

раҳбарият қарорлари бажарилишини кафолатлашга ёрдам берадиган ва турли - туман ҳаракатларни ўз ичига олган сиёсат ва тартиб-тамойилларни умумлаштирувчи назорат билан боғлиқ фаолият, маъқуллаш, хабарнома ва тасдиқларни бериш, текширишлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активлар хавфсизлигини кафолатлаш ва ваколатларни тақсимлаш;

маълумотларни ўз вақтида ва самарали равишда аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва улар билан алмашиниш, ахборот таъминоти ва ахборот алмашуви бўйича, шу жумладан, банқда қабул қилинган ички назорат сиёсати ва тамойиллари тўғрисида барча ички назорат субъектлари ўртасида тушунчани шакллантириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ахборот алмашинувининг самарали йўлларини яратиш, банк ахборотларини хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

Мониторинг – бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига оладиган жараён бўлиб, бунда вақт ўтган сайин тизимнинг иш сифатига баҳо берилади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоб-китобнинг тўғрилигига таъсир кўрсатадиган хатоларни аниқлаш, бундай хатоларнинг

жиддийлигини аниқлаш ва ички назорат тизими олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қодирлигини аниқлаш учун ўтказилади. Банқда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун банк Кенгаши таклифи асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ мустақил малакали ташкилот – маслаҳатчи жалб этилиши мумкин.

5-боб.Ички назорат учун масъул органлар ва шахслар

10. Ички назорат банкнинг тафтиш комиссияси, аудиторлик қўмитаси, банк Кенгаши, банк Бошқаруви Раиси, ички аудит хизмати ҳамда банкнинг барча мустақил таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади ва бунда уларнинг ҳар бири ички назорат учун ўрнатилган тартибда жавобгар ҳисобланади.

11. Банкдаги мустақил таркибий бўлинмалар функциялари, ҳукуқлари ва мажбуриятлари, компенсациялар ва меҳнат ҳақи тўловларини ҳисоблаш тартиби банкнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилади.

12. Банкнинг молиявий - хўжалик назорат қилишнинг тизимли характерини таъминлаш мақсадида ички назорат жараёнларининг ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш банкнинг ваколатли бўлинмаси - Ички аудит хизмати томонидан банкнинг бошқа мустқил таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Мазкур талаб банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятида бевосита иштирок этувчи мусатқил таркибий бўлинмаларни ўз фаолият йўналишлари бўйича операцияларни ички назоратини таъминлашдан ва жавобгарликдан озод этмайди.

13. Банк Кенгаши функциялари жумласига қуйидагилар киради:
ички назорат тизимининг муайян амалиётлари ва стратегияларини ривожлантириш йўналишларини белгилаш ва уларни маъқуллаш;

ҳар йил банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида банкнинг ижрочи органи (банк Бошқаруви) раҳбари ҳисботлари, ички ва ташқи аудит, тафтиш комиссияси, бошқа манбалардан ва ички тафтишнинг барча йўналишлари бўйича ўз кузатувлари натижасида олинган маълумотлар

асосида ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги юзасидан ўтказилган таҳлил ва баҳолаш натижалари ҳақида маълумот бериш, шу жумладан, молиявий назорат, операцион назорат, қонунчиликка амал қилиш устидан назорат, ички сиёсатлар ва тартиб-тамойиллар назоратини амалга оширади;

Банкнинг Ички аудит хизмати тузилмаси ва таркибини белгилаш;

Ички назорат тамойилларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

14. Банкнинг ички назорат тизими молиявий ҳисботларининг тўғрилиги ва тўлиқлиги, ишончлилиги ва самарадорлиги устидан назорат қилишни ташкиллаштириш банкнинг Аудиторлик қўмитаси зиммасига юклатилади. Мазкур Қўмитанинг аҳамияти, мақсадлари ва ваколатлари банкнинг Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги Низомда акс эттирилади.

15. Банкнинг Бошқаруви Раиси ички назорат тизими тамойилларини тадбиқ қиласида ва банк Кенгашини банқдаги барча таваккалчиликлар, ички назорат тизимининг жиддий камчиликлари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича режалар ва тадбирлар натижалари ҳақида маълумотларни бериш орқали унинг самарали ишлашини таъминлайди.

16. Банкнинг барча ходимлари (шу жумладан, раҳбарлар) ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш бўйича батафсил стратегиялар ва тамойилларни ишлаб чиқиша бевосита иштирок этадилар.

Уларнинг мажбуриятлари жумласига юзага келадиган ностандарт вазиятлар ва муаммоларни вақтида ҳал қилиш вазифаси киради. Ходимлар муҳим масалалар ёки муайян битим билан боғлиқ таваккалчиликлар ҳақида банк раҳбариютини хабардор қилишлари лозим.

17. Банк ва унинг алоҳида бўлинмаларининг молиявий - хўжалик соҳасидаги фаолияти устидан назорат ишларини бажариш учун жавобгарлик банкнинг Тафтиш комиссияси зиммасига юклатилади.

18. Ички назорат жараёнлари ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш ишлари, яъни айнан банкнинг амалга оширган молиявий - хўжалик амалиётларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг, унинг алоҳида таркибий бўлинмалари Низомига мувофиқлигини, шунингдек

бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини назорат қилиш масъулияти Ички аудит хизмати зиммасига юклатилади. Бунда, банкнинг молиявий – хўжалик амалиётлари бўйича ички назоратни амалга оширувчи ва таъминловчи, мазкур жараёнларда бевосита иштирок этувчи мустақил таркибий бўлинмалар ўз фаолиятлари йўналишлари бўйича доимо масъул ва жавобгардирлар.

19. Банкнинг Ички аудит хизмати банкнинг аудиторлик қўмитаси олдида ҳисбот беради. Банкнинг Ички аудит хизмати банк Кенгаши ва унинг “Аудиторлик қўмитаси”га бўйсинади.

20. Қуйидаги шахслар банкнинг ички аудит хизматидаги лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эмаслар:

- иқтисодий соҳадаги жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлари учун тугалланмаган судланганлик ҳолатидаги шахслар;
- банк Бошқаруви Раиси ёки аъзоси бўлган шахслар;
- банк муассиси (акциядорлари, қатнашчилари), банк Бошқаруви Раиси ёки аъзоси ёки банкка рақобатда бўлган бошқа юридик шахс ходими бўлган шахслар;

Ички аудит хизмати таркибига кирадиган шахсларга қўйиладиган бошқа талаблар банкнинг Аудиторлик қўмитаси томонидан белгиланиши мумкин.

21. Ички назорат тизимининг тегишли тартибда ишлаши ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқдир. Банк кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларни хизмат поғоналарида кўтариш тизими уларнинг юқори малакаси ва улар томонидан юқори аҳлоқий стандартларга амал қилишини таъминлашига ҳаракат қиласи.

6-боб. Ички назорат тартиб-тамойиллари ва услублари

22. Банкнинг ички назорат тартиб-тамойиллари қўйидагиларни ўз ичига олади:

банкнинг турли поғоналаридаги ўзаро боғлиқ ва бир бирига зид бўлмаган мақсадлар ва масалаларни аниқлаш;

банк фаолияти мақсадларига эришишга ҳалал бериши мүмкін бўлган салоҳиятли ва мавжуд тезкор, молиявий, стратегик ва бошқа таваккалчикларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

бизнес жараёнларнинг ички назорати тизими самарадорлигини баҳолаш;

банкнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг меъёрлари ва самарадорлигини баҳолашни белгилаш;

молиявий ва бошқа турдаги маълумотларни ўтган даврлар ёки фаолиятнинг кутилаётган натижаларига оид қиёсласа бўладиган маълумотлар билан таққослаш орқали кўриб чиқиш;

ҳодисалар, амалиётлар ва транзакцияларни рўйхатга олишнинг адекват (муносиб) услубларини қўллаш;

активларнинг бутлигини текшириш;

ички назорат тартиб-тамойилларини тўғри ҳужжатлаштириб бориш;

ички назорат тизими сифатини мунтазам равишда баҳолаб бориш;

банкнинг барча ходимларини ички назорат соҳасидаги мажбуриятлари ҳақида хабардор қилиш;

банк ходимлари орасида асосий мажбуриятларни (шу жумладан амалиётларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, амалиётларни рўйхатга олиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва уларни олиш, амалиётларни таҳлил қилиш ва текшириш билан боғлиқ мажбуриятларни) тақсимлаш;

амалиётларнинг фақат тегишли ваколатларга эга бўлган шахслар томонидан тасдиқланиши ва бажарилиши;

ички назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа тартиб-тамойиллар.

23. Ички назорат тартиб-тамойилларини ўтказиш чоғида аудит қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш, шунингдек ички назорат тартиб-тамойилларини бажариш учун зарур бўлган бошқа услублар қўлланилади.


7-боб. Якуний қоидалар

24. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланади.

25. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва қонун ҳужжатлари ўзгариши натижасида ушбу Низомдаги айрим моддалар уларга зид келса, бундай моддалар кучга эга эмас ва Низомга ўзгартиш киритилгунига қадар банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва қонун ҳужжатларига амал қилинади.

Келишилган:

Бошқаруви Раиси в.в.б

 Ч.С.Мирзаев

Бошқарув Раиси ўринбосари

 А.А.Мухутдинов

Бошқарув Раиси ўринбосари

 Н.Н.Сайдуллаев

Бош бухгалтер

 Х.Ф.Турсунов

Ғазначилик ва қимматли қоғозлар
департаменти директори

 А.Т.Тошев

Ички аудит департаменти
директори

 Ш.Ш.Ишпулатов

Ички назорат департаменти
директори

 З.Я.Ибрагимов

Кредитлаш департаменти
директори

 Д.А.Маматқұлов


Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори

 Б.О.Тангматов

Пул муомаласи департаменти
директори

 А.Т.Рискулов

Ахборот технологиялари
департаменти директори

 А.Ә.Назаров

Банк рискларини бошқариш ва
стратегик ривожлантириш
департаменти директори

 Ж.Д.Мирзаев

Ходимлар билан ишлаш
департаменти директори

 Ү.Қ.Газахунов

Ижрони назорат қилиш
бошқармаси бошлиғи

 О.Р.Эргашев

Методология департаменти
директори

 И.Т.Саломов

Юридик хизмати департаменти
директори в.в.б

 О.А.Муминов

ев
динов
ллаев
нов
в
латов
имов
аткулов
гматов
улов
яров
рзаев
ахунов
гашев
ломов
минос

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК
ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИНГ
ҚАРОРИ**

2016 йил 25 июн
саат 11:00

АС-1/15

Тошкент шаҳри
Абай кӯчаси, 4а-уй

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги ва “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги ва “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомлари тасдиқлансан.

«Туронбанк» АТБ
акциядорлари умумий
йиғилиши Раиси

 О.Олимжонов



Пронумеровано, прошнуровано

Вр.и.о. Председателя Правления

Главный бухгалтер

М.П.



